



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Соипова Мавжуда Каримжановна, PhD

Фарғона давлат университети ўқитувчиси фалсафа фанлари  
бўйича фалсафа доктори

БАРКАМОЛ ИНСОН ТАРБИЯСИДА ИНТЕЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТНИНГ  
ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада жамиятнинг маънавий янгиланиш жараёнида миллий таълим-тарбия тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, унинг миллий-маънавий негизини мустаҳкамлаш, миллий анъаналарнинг, маънавий қадриятларнинг кенг миқёсда ривожланиши ҳамда соҳани демократлаштириш ва эркинлаштириш инсон фаолиятида комиллик фазилатларини шаклланиши таъкидланган.

**Калит сўзлар:** Баркамол инсон, инсон, жамият, Ватан тараққиёти, маданият, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, миллий мерос, илм-фан, таълим-тарбия.

Қадимдан илму-маърифат, таълим-тарбия инсон камолоти, миллат равнақи, маданияти, ўзбек халқи қадриятларининг энг асосий бўғини ҳисобланган. Бу эса мамлакатимиз миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-хунар соҳасидаги ислоҳотлар масалаларини тадқиқ қилиш ҳамда уни баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни ва ролини фалсафий таҳлил қилиш заруриятини келтириб чиқарди.

Мамлакатимизда давом этаётган туб сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий ислоҳотлар биринчи галда баркамол инсон тарбиясини шакллантириш масалаларига қаратилган. Баркамоллик – камолот балоғатга эришган, етук, мукаммал, комил, маърифатли кишилар таснифига нисбатан қўлланиладиган фалсафий тушунча бўлиб, у инсоннинг ақлий, маънавий, ахлоқий жиҳатдан етуклигини, ўзи танлаган касб-хунарнинг устаси бўлишини, шахс сифатида мустақил шаклланиб, Ватан

тараққиёти ва келажаги, эл-юрт фаравонлиги учун ҳаракати, эзгу ғоя ва ниятлар билан бажарилган буёдкорлик фаолияти ва яратувчанлик қобилиятыга эга бўлишини англатади. Баркамоллик турли тарихий даврларда турлича тассавур қилинган бўлиб, унинг мезонлари, аксиологик жиҳатлари нисбатан ўзгариб борган. Шундай бўлсада баркамолликнинг барча даврларда ҳам тан олинган муаммолар тизими борки унда билимлилик асосий ўрин эгаллайди.

“Дунё шиддат билан ўзгариб, баркарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига рахна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишига интилишга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар узликсиз таълим ва тарбия тизими ягона мақсадга, яъни, баркамол инсонни тарбиялаш ва шакллантиришга қаратилган.

Маълумки, “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қарашиб, шарқона ҳаёт фалсафаси”. Бугунги кунда миллий таълим-тарбия тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, унинг миллий-маънавий негизини мустаҳкамлаш, миллий анъаналарнинг, маънавий қадриятларнинг кенг миқёсда ривожланиши ҳамда соҳани демократлаштириш ва эркинлаштириш инсон фаолиятида комиллик фазилатларини шакллантишига кенг йўл очиб бермоқда. Чунки, “Дунёвий мазмундаги комил одам ўқимишли, маданиятли, жамиятда ҳалол касб билан оила боқувчи, фарзанд тарбия қилувчи фаол инсондир”, шунингдек, инсоннинг онги, ақли, ахлоқи, маданияти, тафаккури, ижтимоий моҳияти жамият тараққиётини белгилаб берувчи асосий омилдир.

Баркамол инсонни тарбиялаш жараёнида фалсафанинг ўрни бекиёс. Баркамол инсон масаласи фалсафий антропология, гнесология, аксиология ва бошқа соҳаларда ўрганилади. Фалсафанинг маънавият, миллий қадриятлар, миллий ғоя билан алокадорлиги унинг инсон дунёқарашини шакллантирувчи дунёқараши функцияси ҳамда инсон билимини юксалтиришга қаратилган жиҳатлари билан боғлиқ. Ҳар қандай фалсафий назария ёндашув ўрнида маънавият, аксиологик билим, шахс дунёқарашиб, баркамоллик, миллийлик, умумбашарий муаммолар, меҳнат ва умуминсоний қадриятлар, ёшлар тарбияси каби масалаларни у ёки бу тарзда акс эттиради.

Умумий ҳолда баркамоллик инсоннинг барча олий ижобий хусусиятини ифода этади. Баркамоллик ижтимоий-антропологик ҳодиса бўлиб, у инсон тарихий тараққиётиниг юқори босқичини англатади. “Баркамоллик” “комиллик” тушунчасига яқин. Сўнги вақтларда “баркамол инсон” тушунчаси фалсафий адабиётларда кўпроқ учрамоқда. “Комиллик – инсоннинг камолотга эришув жараёнидаги баркамоллиги даражасини ифодаловчи тушунча. Комилликнинг ҳар бир даврга хос мезонлари мавжуд. Шунингдек, баркамол инсон ўзининг қонуний ҳақ-хукуқини танийдиган, мустақил билими ва имкониятига таянадиган, жамиятдаги воқеликка бефарқ бўлмайдиган, жисмонан ва маънан етуқ, ижодий фикр юрита оладиган шахсга айтилади. Баркамол инсон – бу юксак фазилатлар, жамият ижтимоий-маънавий тараққиёти учун зарур бўлган ахлоқий хислатларга эга бўлган инсондир.

Тадқиқотчи Нажмиддин Комилов баркамол(авлод) инсон фазилат ва белгиларини қуидагича тасниф қилиб беради. Баркамол инсон бу:

- баркамол инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг ақлли ва энг доноси;

- баркамол инсон – Илоҳ билан одамлар орасидаги воситачи, илоҳи амр, ғайб асрорини оддий одамларга етказибиҳи хомийдир;
- баркамол инсон мартабада Ақли қулл (Ақли аввалга тенг. Аллоҳ аввал Ақли қуллни, яъни комил инсонни яратди, кейин у туфайли бошқа маҳлукотлар яратилди);
- баркамол инсон шу сифатлари билан мутлоҳ илоҳий хислатларни жамлаган мавжудликдир, у оддий инсон сифатида намоён бўлса ҳам, лекин маънан коинотни қамраб олган ҳамиша бедор ва ҳамма нарсадан хабардор бир зотдир.

Комилликнинг олий белгиси Ҳақ йўлидан бориб ҳалқа фойда келтиришdir. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга наф келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, Ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча баркамолдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, аллома шарҳида баркамол инсон ўзининг вужуди ва бутун руҳий оламига илоҳийликни сингдириб юборган мукаммал инсондир. Исломда мукаммалик тушунчаси диний ва дунёвий билимларни чуқур эгаллаган, руҳий ва исломий жиҳатдан авлиёлар мартабасига эришган шахсларга нисбатан қўлланилган. Баркамол инсон жамиятдагина ўзлигини, ахлоқий фазилатларини намоён этганидек, у ижтимоий-маънавий хислатини ҳаммальум бир муҳитда қарор топтиради ва шу муҳитнинг манфаатларига, маънавий қадриятларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Шунинг учун ахлоқ-одоб хислатлари баркамоллик ва ижтимоий-маънавий тарақкиёт белгиси сифатида қаралади.

Одоб тушунчаси ислом фалсафасида, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадисларида инсон баркамолликка эришишининг мухим мезони сифатида талқин этилади: Одоб инсон ахлоқининг амалда намоён бўлишидир. Пайғамбар алайҳиссалом: “Мен барча ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман”, - деган эканлар.

“Одоб” сўзини исломгача бўлган даврда, араблар шунчаки базмга таклиф этиш маъносида ишлатишган. IX асрга келиб у хикоят, шеърият, шеър ёзиш санъати, нотиқлик, мусиқа назарияси, адабий-бадиий танқид билан танишлик, математика, мантиқ, грамматика, физика, психология, метафизика, этика, сиёsat, медицина, астрономия, химия, тарих, география, алхимия, астрология, туморга оид билимларни билиш, муайян вазиятда ўзини тута билиш, қизиқарли ва ўтқир зехнли суҳбатлар уюштириш, миллий ўйин ва мусобақаларда зарур чақконлик ва топқирлик хислатларига эга бўлиш маъноларини англатадиган тушунчага айланган. Ҳаё – адаб, ахлоқ – бебаҳо ҳазина, ислом маданияти ана шу ҳазинага қурилган, шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) таъкидлаганлариdek, “Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди”. Ушбу маънавий ҳазина, адабий, фалсафий меросни чуқур ўрганмай, ижтимоий-маънавий ҳаётимизга тадбиқ этмасдан, биз баркамол авлодни шакллантира олмаймиз. Жамиятнинг ижтимоий-маънавий тарақкиёти баркамоллик ақлу тафаккурга ҳам боғлиқдир.

Буюк мутафаккир Фаробийнинг одобни инсонни бозовчи этик (ахлоқий) тушунча сифатида қарайди. Унинг асарларида баркамол инсон фазилатларини санаб ўтиб, бунда билимнинг ўрнини юқори баҳолайди. У инсонни олий мавжудот сифатида таърифлаб, унинг буюк хусусияти ақл-идрок инсон учун зарур бўлган нарсаларни яратишга қодир ҳадислар сифатида эътироф этади. Абу Наср Форобий инсон фаолиятида ақлнинг аҳамиятини юқори баҳолаган. Унинг фикрича, факат ақлгина ҳалқлар ўртасида нозо(уруш)ларни беъмани оғат эканлигини фош қиласди. Одамлар

ақл асосида олий баҳтиёрликка, бутун ер юзида баҳтга – ўзаро келишувга эришади. Шунингдек, файласуфнинг мавжудот тури ҳамда жинслари, хусусиятлари ва уларни ўрганиш асосида аста-секин шаклланиб, вужудга келиб борувчи дунёвий илмлар ҳақидаги умумий фалсафий мулоҳазалари, инсон ҳақидаги тушунчанинг келиб чиқиши ва инсон моҳияти ҳақидаги қуидаги фалсафий манмундаги фикрлари алоҳида аҳамиятга эга: “Ақл ва нафс” инсоннинг бошланғичидир, ...аммо бу бошланғичлар одамзоднинг (инсоннинг) шу табиий бошланғичлар таъсири остида камол топиб, инсонга айланиши учун кифоя қилмайди, чунки инсон инсоний камолотга эришуви учун сўзлаш, ишлаш (касб-хунар)га муҳтождир.

Форобий кўпроқ инсон ва унинг баҳтли ҳаёти масалалари билан қизиқди. У ўзининг “Давлат арбобининг ҳикматлари” рисоласида инсон қадр қимматини камситувчи жамиятни қоралади, доимий урушлар ва босқинчиликка асосланувчи жамиятни адолатсизлик, жоҳил жамият сифатида танқид қилди. Фаробийнинг фикрича, баҳтсаодат яхши ахлоқ илм, меҳнат, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик сингари уммумбашарий қадриятлар орқали йўлга киритилди. Фаробий ўз асрларида комил ва фозил кишиларнинг ибратли хулқ-атворларини улуғлади, кишиларни эзгу ишларга даъват этди.

Шарқ мутафаккирлари, жумладан, Форобий, ибн Сино, ибн Рушдининг фалсафий қарашларида “Ақл ал-фаъол” таълимоти қўлланилган бўлиб, бу таълимот асосида ақлнинг қудратини, унинг объектив мазмунини, олам тараққиётидаги аҳамиятини исботлашга ҳаракат қиласидар. Дунёвий тараққиёт билан инсон шахсий ақлининг муносабати ҳақидаги таълимот жамият маънавий маданиятининг узликсиз бойиб бориши, инсон ақл-заковатининг илм-маърифатга қўшган хиссаси билан мангуликка эришиши, ҳар ким тириклигида келгуси авлодларга илм ва маданият соҳасида мерос қолдириши учун интилиши зарурлиги ҳақидаги фикрларни ифода этади.

Баркамол инсонни маънавий жиҳатдан тарбиялашда ақлнинг ўрни бекёсдир, шунингдек, у билан боғлиқ сир-синоатларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Дунё глобаллашув бораётган жараёнда, ахборот оқими муттасил кучаяётган ҳозирги даврда фақат ақл-идрок, интелектуал онг, эзгу ғояларга эътиқод ва юксак маънавият баркамол инсоннинг асл табиатини сақлаб қолиш тизими сифатида намоён бўлади.

Ақл – инсон тафаккурининг бойлиги, у Аллоҳ томонидан инъом этилган бебаҳо неъматdir. Ақл – инсон миясининг дунёни акс эттириш ва шахснинг воқеликка бўлган муносабатларини бошқариб турадиган фаолияти. Шунингдек, ақл объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг узвий алоқаларини, яъни билимлари даражасини акс эттириши натижасида, шу воқеликни ижодий ўзгартириш, такомиллаштириш имконини беради. Фикрнинг теранлиги, танқидийлиги, уйғунлиги, кенглиги ва тезлиги ақлнинг муҳим сифатлари ҳисобланади. Ақл ижтимоий ҳаёт таъсирида, фаолият ва узликсиз таълим-тарбия жараёнида ривожланади ва такомиллашиб боради. Инсон ақлий тарбияси билимларни тизимли тўплаш, ижтимоий воқеа асосида бирор нарса моҳиятини таҳлил ва синтез қилиш, нарса ва ҳодисалар ривожини таққослаш ҳамда таснифлаш, уларни бир тизимга солиш жараёни назарда тутади.

Шарқ файласуфларининг фикрига мувофик, инсоннинг барча қобилиятлари ўртасида энг аълоси ақлдир. Худди шу қобилият туфайли инсон оламдаги тирик жонзотлардан тубдан фарқ қиласиди. Буюк мутафаккир ал-Газзолий ёзганидек, “ҳаёт, жон, вужуд

ҳаракатта келишига асос бўлса, ақл инсон билимни эгаллаши, ўз фаолиятини назорат қилипшга асосдир”.

Улуг аллома Жалолиддин Румий ўзининг “Маънавий маснавий” асарида ақлни инсон баркамоллигини ботиний (илоҳий) ва зоҳирий моҳиятини белгиловчи зарурият сифатида таърифлайди. Инсоннинг баркамолликка эришиши унинг илоҳий зийнатидир, уни мунтазам тарбиялаб бориши, бунинг учун инсон ўз ақлини ва иродасини ишга солиб, доимо комилликка ва эзгуликка интилишга масъулдир. Камчиликларни тан олиш, мардлик, бағрикенглик, нафси енгиш, ўзликдан-нафсадан қутилишни саодат деб билиш, провардида комилликни тақазо қиласи, - деб ёзди. Шунингдек, баркамол инсоннинг маънавий қиёфаси унинг олдига қўйилган вазифаларига мос бўлмоғи учун у юксак ахлоқли, илм-маърифатли, ўз касбини мукаммал эгаллаган ва меҳнатсевар бўлиши керак.

Миллий тарихимиз сахифалари шуни асослаб берадики, баркамол инсон жамият тараққиётини таъминловчи, уни янги босқичга олиб чиқадиган муҳим омилларидан бири бўлиб келган. Таъкидлаш жоизки баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказища оиланинг ўрни доимо муҳим бўлиб келган, чунки ҳар бир инсон маънавий камолотининг пойдевори оилада шаклланади. Баркамол авлодни вояга етказища ўзбек халқининг оилада фарзанд тарбиясидаги тажрибаси, фалсафий жиҳатлари илмий аҳамиятга эга. Шу сабабдан оилани мустаҳкамлаш, унинг маънавий-ахлоқий тарбия борасидаги аҳамиятини кучайтириш масаласи баркамол шахс тарбиясида муҳим ўрин эгаллади. Инсон оила деб аталмиш ҳаёт мактабида шаклланиб боради ҳамда жамият олдида турган ўзининг ижтимоий мャсулиятини ҳис этади. Улғайиб келаётган ёш авлодга малакали таълим-тарбия бериб, уни ҳар томонлама етук, баркамол инсон сифатида шакллантириш оиланинг бурчидир. Ҳар қандай мамлакатнинг қудрати бевосита узлуксиз таълим сифати ва унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Бунда Ҳаракатлар стратегияси баркамол шахсни шакллантиришда ва уларни ижодкор, маънавий етук, юқори малакали кадрлар бўлиб шаклланишларида илмий, методологик, назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, “ислоҳотларнинг муваффақияти мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи билан, бу борада бизнинг дунё миқёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди”.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ақл – инсон интеллектуал фаолиятининг асоси, билим олишнинг муҳим объектив имконияти хисобланади. Инсонга ўз ҳаёти ва оламини қайта куриш ва ўзгартиришга қаратилган онгли фаолиятни яни интелектни амалга оширишни таъминловчи муайян ижтимоий муҳим омил бўлиб келмоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Мирзиёев Ш.М.Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон. 1-том.2017.Б.27.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 62
3. Артиков А., Алиев Р. Маънавият ва маърифат таҳлили. –Андижон.: Ҳаёт нашриёти. 2001. –Б. 36-37

4. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. Маънавият. 2019. –Б. 607
5. Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. –Т.: Ўзбекистон. 2001. Б- 20-21
6. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. –Т.: Ёзувчи. 1993. Б- 5
7. Мирзарахимов, Б. Х. (2019). Культура туризма как стратегия развития книговедения. In перспективные области развития науки и технологий (pp. 57-58).
8. Mirzarahimov, B. (2019). The factor of good neighborhood and tourism development (Philosophical analysis). Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(1), 140-145.
9. Мирзарахимов, Б. Х. (2019). Культура туризма как стратегия развития книговедения. In перспективные области развития науки и технологий (pp. 57-58).
10. Mirzarakhimbayev, B. (2020). Tourism-is a modern means of aesthetic education. СБОРНИК СТАТЕЙ.
11. Фофуров И. Ҳаё – ҳалоскор. –Т.: Шарқ. 2006. –Б. 136
12. Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. –Т.: Фан. 1963. –Б. 187
13. Зиёмуҳамаддов Б. Исмоилов Ф. Баркамол авлодни вояга етказиш сирлари. –Т.: Сано-стандарт нашриёти. 2011. Б- 178
14. Чориев А. Инсон фалсафаси. Иккинчи китоб. –Т.: 2002. –Б. 136
15. Жалолиддин Румий. Маънавий-маснавий. Қуллиёт – биринчи жилд, биринчи шарҳ. (Махкам Асқар таржимаси).–Т.: Шарқ. 1999. –Б. 20-30
16. Мирзиёев Ш.М. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: Ўзбекистон. 2-том. 2018. – Б.446